

Алдаш йўқ



11:30 / 08.12.2024 1912

عُدُّهُ نَأْمًا مَّسْوُومًا لَعْنَةُ هَلَالِ الْيَوْمِ لِيَوْمِ رَمَعْنِ بْنِ عَدْنَةَ
بِئْسَ اسْمٌ لَأَوْثَالِ الْهَوَارِءِ. بَخَالُ الْوَقْفِ تَعْيَابِ إِذَا لَقِيَ الْوَقْفِ بِلِأَيِّ

بَخَالُ الْوَقْفِ تَعْيَابِ إِذَا لَقِيَ الْوَقْفِ بِلِأَيِّ

Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоху алайҳи васалламга ўзининг савдо-сотиқда алданиб қолишини зикр қилди. Шунда у зот:

«Қачон савдо қиладиган бўлсанг, «Алдаш йўқ», дегин», дедилар».

Учовлари ва Насайй ривоят қилганлар.

Муслим:

«У олди-сотди қилса, «Алдаш йўқ» дер эди» ни зиёда қилган.

Шарҳ: Ушбу ривоятда зикри келаётган саҳобийнинг бошлари ёрилиб, бироз фикрлари ва тиллари оғир бўлиб қолган эди. Тутилиб гапирар ва олди-сотдида алданиб қолар эдилар. Ўзларининг бу ҳолларидан шикоят қилганларида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам олди-сотдидан олдин савдолашаётган одамга «Алдаш йўқ», деб, огоҳлантириш бериб қўйишни тавсия қилдилар. Яъни, Ислом динида савдо-сотикда бир-бирини алдаш йўқлигини эслатиб қўйишни ўргатдилар. Эҳтимол, шунда бошқа томон ўзига алдашни эп кўрмаслиги мумкин. Бундан савдо-сотикда, молиявий муаммоларда бир-бирини алдаш ҳаром эканлиги яққол кўриниб турибди.

فَلَحْجًا لَأَقَامَ سَوَّوْهُ لَعْلَلْ يَصِيَّبَنَّ لَنَا عُنُوقُ لَلِضَّرَّةِ رِيَّابًا نَع
ةً ثَالِثًا وَأَوْرَةَ كَرَبَلَلْ عَقَمَ عِلَّسَلْ لَعَقْفُوم

عَقَمَ يَمْثُ قَفْنِي هُوَ إِفْعِي بَلَّ يَفِ فَلَ حَلَّ عَزْثَكَ وَمُكَّيَّ إِمْ لِسْمَلَو

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қасам ичиш савдо молини ўтказувчи, баракани ўчирувчидир», дедилар».

Учовлари ривоят қилганлар.

Муслимнинг ривоятида:

«Савдода кўп қасам ичишдан эҳтиёт бўлинглар. Чунки у ўтказади ва ўчиради», дейилган.

Шарҳ: Баъзи бир савдогарлар ўз молини ўтказиш учун ёлғон гапирдилар, ҳатто қасам ҳам ичадилар. Баъзи харидорлар унинг қасамига ишониб, молини сотиб олади. Ҳалиги савдогар савдоим юришди, деб хурсанд бўлади. Аслида эса ёлғон гапиргани, ёлғон қасам ичгани учун молининг баракаси ўчади. Пулининг миқдори кўпайганга ўхшагани билан баракаси бўлмайди. Фойдаси камаяди. Ҳатто бошқа томондан балолар ҳам етади.

Шунинг учун савдогар ростгўй бўлиши керак, қасам ичиб, молини ўтказишга уринмаслиги лозим. Ростгўйлик билан, бировни алдамасдан қилинган савдода барака бўлади. Эгасига юқади, фойда беради.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди